

Исманов И.Н.

Фарғона политехника институти, и.ф.д.,
профессор

Давлятова Г.М.

Фарғона политехника институти, и.ф.н., доцент

ЛИЗИНГ МУНОСАБАТЛАРИДА ВУЖУДГА КЕЛАДИГАН РИСКЛАР ВА УЛАРНИ КАМАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Иқтисодиётни, хусусан, саноат корхоналарини модернизация қилишни амалга ошириш ҳамда инвестицион жараёнларни фаоллаштириш мақсадида республикамизда инвестицияларни молиялаштиришнинг янги механизмларининг қўлланилаётгани мақсадга мувофиқ бўлмоқда. Ана шундай молиявий механизмлардан бири бўлиб лизинг ҳисобланади. Ҳозирда лизинг механизми ривожланган мамлакатлар амалиётида кенг қўлланиб келинмоқда. Лизингни фаол жорий этиш ишлаб чиқариш корхоналарини техник қайта жиҳозлаш ҳамда иқтисодий тизимдаги таркибий ўзгартиришлар учун кучли туртки бўлиши мумкин.

Ҳозирги вақтда иқтисодиётимиздаги таркибий ўзгаришларнинг асосий йўналиши ва мақсади ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилишга қаратилган давлат дастурлари ва лойиҳалари билан қўллаб-қувватланмоқда. Жами инвестицияларнинг 60 фоизи устувор тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилган. Давлатнинг саноатни қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсати қимматбаҳо маҳсулотларни чет элдан олиб киришни камайтиришга ва катта ҳажмдаги сармояларнинг мамлакатга кириб келишини таъминлашга йўналтирилган бўлиб, бу, ўз навбатида, чет эл инвесторлари билан экспорт-боп маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналарни ташкил этиш ва ривожлантиришни рағбатлантириши зарурдир.

Ҳозирги даврда асосий эътибор, Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон миқёсидаги рақобатбардошлик даражасини оширишга қаратилган. Бу йўналишда амалда фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш ва жаҳон бозорларига юқори қўшимча қийматли рақобатбардош маҳсулотларни

ишлаб чиқариш имкониятини берувчи янги корхоналарни яратиш каби чуқур таркибий ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада лизинг механизмини қўллаш борасида жадал ишлар олиб борилмоқда.

Лизингнинг тавсифи инвестицион белгиларнинг мавжудлигидан далолат беради, чунки бунда технологик жиҳатдан янги жиҳозларни сотиб олиш молиялаштирилади. Лизингдан фойдаланиш нафақат молиявий капитал бозори субъектлари функциялари ва имкониятларини кенгайтиришга, балки миллий иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар яратади. Лизинг муносабатларида фақатгина хўжалик субъектлари фаол қатнашиб, бевоқифа давлат аралашуви талаб этилмайди. Унга кўра, лизинг олувчи маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёнида кўрсатган хизматлари учун лизинг берувчига пул ёки моддий кўринишда инвестиция харажатларини ва мукофот пулларини тўлайди.

Инвестицияларни молиялаштиришнинг ушбу шакли йирик, бир марталик молиявий

маблағларни талаб қилмайди ҳамда саноатга капитални жалб қилиш, шунингдек, хорижий инвесторлар маблағларидан фойдаланиш учун шароит яратади.

Лизинг мулкидан самарали фойдалана оладиган ва лизинг тўловларини барқарор тўлаб борадиган лизинг олувчиларнинг молиявий-иқтисодий имконияти ҳамда ишончилиги лизинг берувчи томонидан кўрсатиладиган хизматга бевосита таъсир кўрсатади ва бу лизинг ставкасида намоён бўлади. Бу масала юзасидан олиб борилган тадқиқотлар асосида хулоса қилиш мумкинки, ишончли лизинг олувчилар доирасининг чекланганлиги, саноат корхоналарининг молиявий-иқтисодий ҳолати лизинг операциялари ривожига тўсқинлик қилмоқда ва лизингни хатарли ҳамда қимматга тушадиган бизнесга айлантормоқда. Шу нуқтаи назардан, лизинг муносабатларининг ривожланишига таъсир этувчи омиллар таркибига рискни ҳам кириштириш мумкин.

“Лизинг тўғрисида”ги қонунга кўра, лизинг предметининг сақланиши ҳамда унинг нобуд бўлиши, йўқолиши, бузилиши, ўғирланиши, муддатидан олдин ишдан чиқиши, уни ўрнатиш ёки ишлатишда йўл қўйилган хатоликлар ва бошқа мулквий хавф-хатарлар бўйича жавобгарлик лизинг предметини ҳақиқатда қабул қилиш моментидан бошлаб, агар лизинг шартномасида бошқа шарт кўзда тутилмаган бўлса, лизинг олувчига юклатилади¹.

Лизинг предметини сотиб олиш-сотиш шартномаси бўйича сотувчи томонидан мажбуриятларнинг бажарилмаслик хавф-хатарлари ва бу билан боғлиқ бўлган зарарлар, агар лизинг шартномасида бошқа шарт кўзда тутилмаган бўлса, лизинг шартномасининг сотувчини танлаган томонига юклатилади.

Лизинг предметининг лизинг шартномаси бўйича ишлатиш мақсадларига мос келмаслиги билан боғлиқ хавф-хатарлар ва улар билан боғлиқ зарарлар, агар лизинг шартномасида бошқа шарт кўзда тутилмаган бўлса, лизинг предметини танлаган томонга юклатилади.

Лизинг компаниялари ўзларининг фаолиятларида дуч келадиган барча хавф-хатарларни 2 та катта гуруҳга бўлиш мумкин:

- умумий, яъни барча корхоналар дуч келадиган хавф-хатарлар;
- хусусий, яъни фақат лизинг фаолияти билан боғлиқ хавф-хатарлар.

Умумий хавф-хатарларга сиёсий, макроиқтисодий, ҳуқуқий ва солиқ билан боғлиқ хавф-хатарлар киради.


Лизинг фаолиятининг хусусий хавф-хатарларига лойиҳа ва лизинг предметига боғлиқ хавф-хатарлар, молиялаштириш ва лизинг тўловларини тўламаслик каби хавф-хатарлар киради.

Лойиҳа хавф-хатарлари лизинг лойиҳаларининг молиявий нуқтаи назардан ва лизинг олувчининг сотиш қобилияти нуқтаи назардан таъминланганлигига боғлиқдир. Ушбу турдаги хавф-хатарни пасайтириш учун лизинг берувчи лизинг олувчининг инвестицион лойиҳасини ёки бизнес режасини, унинг келажакдаги пул оқимларини, маҳсулот сотиш бўйича шартномаларини, баҳо стратегиясини ва бошқаларни чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиши лозим. Лизинг фаолиятидаги хавф-хатарларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин (1-расм).

Лизинг мулкни қайтармаслик rischi барча лизинг келишувларида мавжуд бўлади. Лизинг мулки лизинг берувчига тегишли бўлишига қарамай, амалдаги қонунчиликка кўра уни мажбурий равишда олиб қўйиб бўлмайди. Бу турдаги рискни лизинг олувчининг “виждонли” эканлигини лизинг келишувининг ҳуқуқий томонларини пухта ишлаб чиқиш воситасида таҳлил этиш ҳамда таъминлашнинг самарали схемасини чуқур ишлаб чиқиш орқали камайтириш мумкин.

Лизинг предметини йўқотиш билан боғлиқ рискни лизинг мулкни суғурталаш орқали самарали тарзда пасайтириш мумкин. Иккиламчи бозорда сота олмаслик riskини лизинг берувчи ва етказиб берувчилар орасида мулкни қайта сотиб олиш ёки қайта сотиш ҳақида шартнома тузиш орқали минималлаштириш мумкин. Ушбу риск, биринчи навбатда, қайта қурилмайдиган ёки уникал ишлаб чиқариш жиҳозларига тегишли бўлади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги “Лизинг тўғрисида”ги қонуни.

Лизинг фаолиятидаги рискларнинг гуруҳланиши¹

Молиявий рискларга қуйидагилар киради:

- 1) портфел rischi – лизинг олувчилар орасида лизинг шартномалари портфелининг номутаносиб равишда тақсимланганлиги;
- 2) фоиз rischi – лизинг келишувини молиялаштириш мақсадида олинган банк кредити фоизи ҳамда лизинг шартномаси бўйича фо-

излар орасидаги нисбатдан келиб чиқадиган риск;

- 3) валюта бўйича риск – маълум вақт давомида лизинг шартномасидаги лизинг тўловлари реал қийматининг ўзгариш эҳтимоллиги.

Портфел rischiни лизинг лойиҳалари портфелини шакллантиришнинг чуқур ўйлаб чиқилган стратегиясини амалга ошириш орқали минималлаштириш мумкин. Мазкур

¹ 1 Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган

портфелни шакллантиришда бир нечта ёндашувлар фарқланади: тармоқ ёндашуви, мулк тури бўйича ёндашув, ҳудудий ёндашув, корхона шакли ва молиялаштириш ҳажми асосидаги ёндашувлар. Портфел rischi саноатнинг турли тармоқларида, турли ҳудудларда ва мулкнинг турли кўринишлари билан шуғулланадиган универсал лизинг компанияларида кичик бўлади.

Фоиз riskини камайтиришга лизинг шартномасида банк фоиз ставкаси ўзгарган тақдирда лизинг тўловлари миқдорини қайта кўриб чиқиш имконияти борлиги тўғрисида изоҳ киритиш орқали эришиш мумкин. Бунда лизинг тўловлари миқдорини ҳар 3 ойда бир мартадан кўп бўлмаган ҳолда ўзгартириш мумкинлигини эса тутиш лозим.

Валюта riskини минималлаштириш усуллари билан бирига лизинг тўловлари боғланадиган валюта билан кредитлаш валютаси мослигини таъминлаш киради.

Лизинг тўловларини тўламаслик riskи лизинг компаниялари ўз фаолиятларида дуч келадиган энг жиддий riskдир. Ушбу турдаги riskни пасайтиришнинг энг самарали усули уни суғурталаш ҳисобланади.

Биринчи навбатда, лизинг олувчининг кредит қобилиятини комплекс таҳлил қилишга эътибор қаратиш лозимдир.

Лизинг фаолияти билан боғлиқ riskларни пасайтиришнинг энг самарали усуллари билан бири лизинг келишувларининг қўшимча таъминоти ҳисобланади. Лизинг объекти лизинг келишувининг асосий, лекин ягона бўлмаган таъминотидир. Лизинг келишуви таъминотини таъминлашнинг қўшимча усуллари лизинг олувчи тўлайдиган бўнак, юридик ва жисмоний шахсларнинг кафолатлари, етказиб берувчи томонидан қайта сотиб олиш бўйича кафолатлар, гаровга мулк қўйиш киради.

Кўпчилик лизинг компанияларининг фаолиятини ўрганиш лизинг берувчи учун қуйидаги асосий хатарларни аниқлаш имконини берди:

- лизинг тўловларини тўлаш графигининг бузилиши. Бундай ҳолатни лизинг олувчининг кўзланган сотув ҳажмига чиқа олмаслиги натижасида юзага келадиган молиявий қийинчиликлар билан изоҳлаш мумкин;

- ҳеч бир сабабсиз лизинг тўловларини тўлашдан бош тортиш ёки лизинг шартнома-

сида кўзда тутилган муддат якунида мулкни қолдиқ қиймати бўйича сотиб олишдан воз кечиш. Бундай ҳолат мамлакатдаги иқтисодий вазиятнинг беқарорлиги шароитида лизинг келишувлар шартномаси шартларини олдиндан тўлиқ келишиб олинмаганлигидан далолат беради;

- фойдаланиш давомида лизинг олувчи томонидан мулкка жисмоний зарар етказиш ва уни қоплашдан бош тортиш;

- муддат тугаганидан сўнг мулкни қайтариб бермаслик.

Бунинг натижасида Ўзбекистонда Европа тажрибасидан фарқ қилувчи амалиёт юзага келди, яъни лизинг олувчи лизинг келишувини амалга ошириш учун лизинг берувчига кафолат тақдим этиши лозим. Лизинг компанияларининг амалий фаолиятини ўрганиш асосида аниқланган лизинг компаниялари лизинг олувчилардан талаб этаётган қуйидаги шартларни алоҳида ажратиш мумкин:

- мижоз томонидан мулк қийматининг бир қисмини олдиндан тўлаш (мулк қийматининг 30–50%) ва буни мулкни сотиб олиш ёки лизинг олувчига жарима санкциясини беришда эътиборга олиш;

- лизинг тўловларини тўлашни кечиктирганлик учун ва лизинг шартномасининг амал қилиш муддати якунида мулкни сотиб олишдан бош торганлик учун жарима санкцияларининг мавжудлиги;

- жиҳозни ва тўлов тўламаслик хавфини суғурталаш.

Шуни таъкидлаш лозимки, жаҳон амалиётида суғурталаш инвестиция киритишни кафолатлаш ва ҳимоя қилишнинг энг таъсирчан усуллари билан ҳисобланади. Молиявий riskлар лизинг шартномаси иштирокчилари келишуви асосида суғурта қилиниши мумкин ва у мажбурий характерга эга эмас. Бизнинг фикримизча, лизинг олувчи лизинг мулкидан фойдаланиш давомида юзага келадиган инсонлар ҳаётига ва соғлигига хавф солувчи ҳолатларнинг келиб чиқмаслиги билан боғлиқ мажбуриятини ҳам суғурталаши зарур бўлиб, буни лизинг шартномасида ҳам алоҳида қайд этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Амалиётда эса лизинг хизматлари бозорида

асосан лизинг объекти суғурта қилинмоқда. Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотларга кўра, лизинг объекти бўлган мулк суғурта қилинган шартномалар салмоғи жами тузилган шартномаларнинг 90% ини, лизинг операцияларидаги молиявий рисклар суғурта қилинган шартномалар сони эса 2%ни ташкил қилмоқда.

Бизнинг фикримизча, лизинг тўловларини ўз вақтида тўламасликни суғурта қилиш лизинг берувчи томонидан бой бериладиган даромаднинг олдини олиш имкониятини яратади. Бундай риск натижасида бой берилган даромадни лизинг олувчи томонидан қопланишини таъминлаш учун лизинг шартномасида алоҳида банд киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Хавф-хатарларни камайтириш бўйича В.Д.Газманнинг фикрлари аҳамиятга молик бўлиб, ухатар даражасини хатарни лойиҳа иштирокчилари орасида тақсимлаш йўли билан пасайтиришни таклиф этади¹. Хулоса қилиш мумкинки, хавф-хатардан ҳимоя қилишнинг юқорида санаб ўтилган барча шартлари лизинг компанияси кўриб чиқишга тайёр бўлган лойиҳалар сонини камайтиради. Инвестицион афзаллик ва корхонанинг молиявий барқарорлик омиллари лизинг берувчиларнинг тўқимачилик корхоналарига молиявий маблағлар киритишга қизиқишларини белгилайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, лизинг компанияларининг “Бизнинг маҳсулот лизинг, лекин бизнинг бизнесимиз асоси хизмат кўрсатишдир” деган шиори ниҳоятда долзарб ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги “Лизинг тўғрисида”ги қонуни.
2. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2005. –525-б.
3. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2009. – 53-б.
4. Газман В.Д. Лизинг. Теория, практика, комментарии. – М.: Фонд “Правовая культура”, 1997. –С. 416.
5. Газман В.Д. Финансовый лизинг. – М.: ГУВШЭ, 2005. –С. 390.
6. Горемыкин В.А. Лизинг. – М.: “Экономика”, 2000. –С. 504.
7. Жўраев А.С., Хўжамқулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили. – Т.: “Шарқ” НМИУ, 2003. – 251-б.

¹ Газман В.Д. Лизинг. Теория, практика, комментарии. – М.: Фонд “Правовая культура”, 1997. –С. 416.